
Туман ҳокими саноат корхоналарида

Бугун Тошлоқ тумани ҳокими, пахта тўқимачилик кластери раҳбари Абдуқаҳҳор Джурабаевнинг тумандаги "Posco international textile" МЧЖ шаклидаги хорижий корхонасига навбатдаги ташрифи ўтказилди. Ташриф давомида корхона раҳбари Чо Сэунг Хюн билан тўқимачилик соҳасини ривожлантириш бўйича музокаралар олиб борилди. Корхонадага янги лойиҳалар билан танишилди, тажриба алмашилди ҳамда маҳсулотларнинг харидорлиги ва рақабатбардошлиги хусусида томонлар ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтдилар. Шунингдек, корхонанинг пандемия давридаги муаммолари ўрганилди, маҳсулот ва экспорт ҳажмини янада ошириш бўйича чоралар белгиланди.

2020-09-03 18:05:43